Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 42 (21. 161) 1992 йил 28 февраль, жума ● Баҳоси 60 тийин.

ЯҚИН КЕЛАЖАКДАГИ ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

ХЕЛЬСИНКИДАГИ УЧРАШУВЛАР • *ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАН ОЛАМИЗ ВА УЛАРГА ҚЎШИЛАМИЗ* • ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ • *МЕҲМОНЛАР ШАРАФИГА ЗИЁФАТ*



Суратда: Украина Президенти Л. М. Кравчук, Финляндия Республикаси Президенти М. Койвисто, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси С. С. Шушкеевич ўзаро мулоқотда. (ЎзА фотохроникаси).

● Илгари хабар қилинганидек, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб 1975 йилда ўтказилган Кенгашнинг якунловчи актини яна беш давлат имзолади. Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг олий давлат раҳбарлари ўз мамлакатлари номидан шу тарихий ҳужжат остига имзо чекдилар.

1992 йил 26 февраль.

...Соат миллари 14.00 ни кўрсатиб турибди. 17 йил муқаддам Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада раҳбарлари Якунловчи актни имзолаган «Финляндия» саройининг зали Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатларнинг давлат байроқлари билан безатилган. Умумевропа жараёнида қатнашувчи давлатларнинг вакиллари, таниқли фан сиёсатчилари, жамоатчилик намояндалари ҳозир бўлдилар. Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто минбарга чиқади. (Бу нутқ рўзномамизда эълон қилинмоқда).

М. Койвисто Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Молдова Президенти Мирча Снегур, Тожикиетон Президенти Раҳмон Набиев, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчукни Якунловчи актни имзолашга таклиф этади.

Тантанали маросим охирида МДҲдаги беш давлатнинг бошлиқлари нутқ сўзладилар.

Р. Набиев ўз нутқида Хельсинки қоидаларига содиқликни амалда исботлаш лозим, деган фикрни таъкидлади. Биз Хельсинки жараёнида қатнашар эканмиз, Умумевропа хавфсизлиги ва барқарорлиги концепциясининг кўп қирралилигини тан олишни назарда тутамиз. Бу эса ҳарбий-сиёсий аҳдлашувлар ёрдамида ҳам, шунингдек, инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт, экология соҳасидаги мажбуриятларга қатъий риоя этиш йўли билан таъминланади. Биз этник негиздаги кескинликнинг асосий сабабларини тугатиш зарурлигини тан оламиз ва оз сонли миллатларнинг муаммоларини ҳал этишда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг имкониятларини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов нутқ сўзлади. (Бу нутқ алоҳида берилмоқда)

● Хельсинкида 26 февраль куни Финляндия парламентининг биносида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи актини имзолаш учун бу ерга келган МДҲдаги беш мустақил давлат президентлари биргаликда журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Суҳбатда Молдова Президенти Мирча Снегур, Украина Президенти Леонид Кравчук, Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев қатнашдилар.

Ислом Каримов шуни изоҳлаб бердики, Ўзбекистон ҳозир вужудга келган мураккаб аҳволдан қутулишнинг ўз стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқди, бунинг учун Туркия тажрибасини намуна қилиб олди. Туркияда чуқур миллий хусусиятлар билан тараққийпарвар хусусиятлар уйғун равишда бир-бирига қўшилганлиги, дунёвий жамият қурилаётганлиги, унда ақидапарастлик ва дин тазйиқ ўтказмаётганлиги сабабли бу тажриба бизни қизиқтирмоқда, деди у. Ислом Каримов ҳам, Раҳмон Набиев ҳам ўз мамлакатларининг Эрон, Покистон ва шу минтақадаги бошқа давлатлар билан мустаҳкам дўстона алоқаларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканликларини билдирдилар.

Суҳбат пировардида президентлар Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги қийинчиликлар ва ихтилофларни манфаатдор томонларнинг музокаралари йўли билан бартараф этиш мумкинлигига ишонишларини билдирдилар.

● Шу куни Финляндия Президенти Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актини имзолаш учун бу ерга келган МДҲ беш мустақил давлати бошлиқлари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Молдова Президенти Мирча Снегур, Украина Президенти Леонид Кравчук, Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев ҳозир бўлдилар.

Президент Мауно Койвисто янги мамлакатларнинг Европа давлатлари оиласига кирганлигини табриклаб, нутқ сўзлади. (Бу нутқ эълон қилинмоқда).

(РАТА — ТАСС мухбирлари).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ЯКУНЛОВЧИ АКТИНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИ (1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ)

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарам давлат бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мустақил давлат Ўзбекистон Республикаси учун унутилмас кун. Биз Хельсинки Якунловчи актини имзолаш билан ўз зиммаларига тинч одилона халқаро тартибни барпо этиш мажбуриятини олган давлатлар ҳамдўстлигига қўшилдик.

Жуғрофий жиҳатдан Осиё давлати бўлмиш Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилиш иродаси ва истагини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон бундай қадам қўйишининг боиси нима? Аввалс шуки, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган биринчи кунлардан эътиборан ўзининг ҳамма эътироф қилган ва БМТ Низомида, Хельсинки Якунловчи актида ва Париж хартиясида лўнда ифодалаб берилган қоидаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини эълон қилди. Умумевропа жараёнида ардоқлаб таомил тусига киритилаётган умумбашарий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъий назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарлидир.

Барча соҳаларда — сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ва маданий турмушда ўзгартишлар ҳамда ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистонда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатлар амал қилаётган давлатлараро муносабатлар қоидалари: ҳозир мавжуд бўлган чегараларнинг тан олиниши ва дахлсизлиги, мустаҳкам ва чинакам тинчлик учун шароит яратиш, халқаро ҳуқуққа риоя этиш соҳасида қабул этилган мажбуриятларни виждонан бажариш қоидалари ардоқли ва қадрлидир.

Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилар экан, ўзининг ядросиз дунёга содиқлигини билдиради ва давлатлараро муносабатларда халқаро муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш билан дўқ қилиш ва ҳар қандай зўравонлик усуллари ўзаро истисно этилишини кутади. Бу масалаларнинг ҳаммаси фақат сиёсий, келишув усуллари ва воситалари билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатига келганда, мен халқ ва ҳукумат номидан: ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида ички бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий кафолати бўлмиш фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, деб айтаман ва бунга қатъий кафолат бераман.

Ўзбекистонда яшаб турган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳозирги ва келажак авлодларининг тақдири учун хотиржам бўлаверишлари мумкин. Фақат бир мафкуранинг ҳукмронлигидан воз кечиш бозор иқтисодиётига ўтиш, ишбилармонлик эркинлиги, барча шаклдаги мулкчилик тенглиги, аҳолининг энг ночор табақалари ижтимоий ҳимояланишининг давлат томонидан таъминланиши, ҳар бир фуқаронинг тарихи, миллий анъаналари, тили ва маданияти, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши ҳамда ҳурмат қилиниши, халқаро ҳамжамиятга пешвоз чиқилиши— мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ҳозирги, яқин вақт ичидаги истиқболи ва келажагидир.

Бизнинг муддаоларимиз дунёда муносиб равишда тушунилиб, қўллаб-қувватланаётгани учун миннатдормиз. Ўзбекистоннинг мустақиллигини юздан ортиқ давлат тан олди, эрта-индин уни БМТ аъзолигига қабул этиш жараёни якунланишига оз қолди. Республика бир қанча халқаро ва давлатлараро ташкилотларга кирди ва кириш тараддудини кўрмоқда. Унинг қўшни мамлакатлар билангина эмас, Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа ўрнатишни истовчи барча давлатлар билан дипломатия ва сиёсат соҳасидаги муносабатлари, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига расмий равишда қўшилар эканмиз, давлатлар ва халқлар олдида ўз зиммамизга олаётган юксак масъулиятимизни англаб турибмиз.

Ўзбекистон ҳамкорларимиз билан ўзаро олинган мажбуриятлар ва битимларга риоя этиб, Умумевропа жараёнининг қоидалари ва моҳияти бундан буён ҳам жуғрофий-сиёсий жиҳатдан кенгайиб бориши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Инсониятнинг жаҳон халқлари оиласи ҳар бир аъзосининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган зўравонликсиз, уйғун жаҳоншумул тартибга ўтиши муаммоларини ҳал этишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Финляндия Республикаси Президенти Мауно КОЙВИСТО нутқи

МДҲГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН КЕНГАШ ЯКУНЛОВЧИ АКТИНИ ИМЗОЛАШ ПАЙТИ (1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ)

Муҳтарам давлат бошлиқлари,

Ташқи ишлар министрлари ва элчилар,

Хонимлар ва жаноблар!

«Финляндия» саройида мана шу алоҳида маросимда сизларни зўр қувонч билан табриклайман. Бир неча дақиқадан сўнг Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг олий вакилларини ўз мамлакатлари номидан 1975 йилги Хельсинки Якунловчи актини имзолашга таклиф этаман. Тайёргарлик даври қисқа бўлишига қарамай, кўпгина янги иштирокчи давлатларнинг олий вакиллари шу маросимга етиб кела олганликларига катта аҳамият берамиз. Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатларга яна бир имконият — олий даражада июль ойининг бошларида бўладиган Хельсинки учрашувидан аввал Якунловчи актни имзолаш имкониятини ҳам бермоқчимиз.

Бизнинг назаримизда, бу тантанали маросим рамзий аҳамиятгагина эга эмас, ҳозир Европа чуқур ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва мафкуравий нифоқлар даври ўрнига муштарак қадриятлар даври, айниқса, демократия, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат қадриятлари даври келди. Кенгашда қатнашган ва энди қатнашадиган барча давлатлар шу қадриятларга риоя этиш мажбуриятини олдилар. Кенгашнинг олий мақсадлари кейинги йиллардаги ўзгаришларда ўз кучини кўрсатди. Бу эса унда қатнашувчи давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш жараёнида хилма-хиллик ва сабр-тоқат ҳамиша фойдали омиллар бўлиб келди. Биз муштарак қадриятларимизнинг аҳамиятини ва муштарак меъёрларга содиқлигимизни таъкидлар эканмиз, улар ўртасидаги тафовутларни ва бир-биримизнинг маданиятимиз хусусиятларини ҳурмат қилишни ўргандик.

Шу сабабли Совет Иттифоқидан пайдо бўлган давлатлар янги мустақил давлатлар сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи акти ва бошқа ҳужжатлари қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олиш истагини дарҳол билдирганликларини астойдил табрикласа бўлади.

Муҳтарам давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари ва элчилар, хонимлар ва жаноблар!

Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинани Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганликлари билан самимий қутлайман. Энди уларнинг олий вакилларидан Хельсинки Якунловчи актини имзолашларини илтимос қилишни ўзимга шараф деб биламан.

Финляндия Республикаси Президенти Мауно КОЙВИСТО нутқи

ПРЕЗИДЕНТ САРОЙИДА МДҲГА АЪЗО БЎЛГАН БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ (1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ)

Муҳтарам давлат бошлиқлари, хонимлар ва жаноблар!

Мен сизларни, янги мустақил давлатларнинг олий вакилларини қувонч билан табриклашдан мамнунман. Сизларнинг давлат мустақиллигингиз ҳали ёш бўлса ҳам, аммо халқларингизнинг асрий, тарихий анъаналари бор, шу анъаналар негизида келажак барпо этилади. Биз сизларнинг Европа давлатлари оиласига қўшилганингиз билан самимий муборакбод қиламиз. Бугун тушдан кейин Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг пойтахтимиз — Хельсинки номи билан юритиладиган Якунловчи актини имзолаганингиз бунинг рамзидир.

Финляндия эса сизларни вакил қилиб юборган мамлакатлар ҳам Европа ҳам корлигига, ҳам кенгроқ халқаро ҳамкорликка имкони борича тезроқ қўшила олишлари учун ва сизлар ўз мамлакатингизни ривожлантиришга куч-ғайрат сарфлаганингизда халқаро ҳамжамият таклиф этиши мумкин бўлган мададни олишингиз учун кўмаклашишга тайёр.

Сизлар мустақиллик олганингиздан кейин тез орада Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга қўшилишга ҳамда Хельсинки ва Париж якунловчи ҳужжатларини имзолашга тайёрлик изҳор этганингизга катта аҳамият бераяпмиз. Буни биз йигирма йилча муқаддам Хельсинкида бошланган муваффақиятли ҳамкорлик жараёни мобайнида Европа давлатлари келишиб олган ҳамма қоидалар ва қарорларга риоя этишга азму қарор бергангингизнинг исботи деб биламиз.

Финляндия собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида вужудга келган барча давлатлар билан мустаҳкам икки томонлама алоқалар ҳам ўрнатишга тайёр эканини билдирди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг халқлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш соҳасида бизнинг ижобий тажрибамиз бор. Ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишидан умидвормиз.

Делегацияларингизнинг Хельсинкига келиши икки томонлама дипломатия ва бошқа алоқалар ҳақида ҳам музокара жараёнини очиш имконини беради.

Бизнинг Совет Иттифоқи билан одат тусига кириб қолган кенг миқёсдаги ва ўзаро манфаатли савдо-сотиғимиз кейинги йилларда совет иқтисодий тизимидаги катта ўзгаришлар натижасида жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Бу эса бизни ҳамкорлигимизни мутлақо янги негизда кўриб чиқишга мажбур этди, ўтган йил охирларида Совет Иттифоқи барбод бўлганлиги ҳам бунга кўмаклашди.

Аминмизки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг барча аъзолари билан кенг миқёсда, кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятларимиз бор. Сизларнинг ресурсларингиз бизга маълум. Биз ўз томонимиздан савдо-сотиқ, саноат ҳамкорлиги, илм-фан ва технология соҳаларида кўп нарсаларни таклиф қила оламиз.

Маданият ва саёҳатчилик соҳасида ҳам ҳамкорлик учун янги истиқболлар очилаётганига ишонаман.

Муҳтарам давлат бошлиқлари!

Давлатларингиз Умумевропа жараёнига қўшилганидан ва икки томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш истиқболларидан мамнунман, Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украинанинг мустақиллиги учун, улар халқларининг муваффақиятлари учун, сизларнинг шахсий муваффақиятларингиз учун қадаҳ кўтармоқчиман.

И. А. КАРИМОВ Тошкентга қайтиб келди

27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Хельсинкидан Тошкентга қайтиб келди. У Финляндия пойтахтида Беларусь, Молдова, Тожикистон ва Украина раҳбарлари билан бирга Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи актини имзолади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Финляндияда бўлиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот рўзноманинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

(ЎзА).

ЮНИСЕФ мутахассислари билан учрашув

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов 26 февраль куни БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда турган мутахассислар гуруҳи раҳбарларини қабул қилди.

ЮНИСЕФ ижрочи директорининг ўринбосари Р. Жоли республика ҳукумати аъзоларини гуруҳнинг Ўзбекистон бўйлаб бир ҳафталик сафари натижалари билан таништирди. Бу сафарнинг мақсади жойлардаги аниқ аҳволни ўрганишдан иборат эди. Мутахассислар Ўзбекистон оналик ва болаликни самарали мухофаза қилиш учун зарур шарт-шароитни яратишда халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож, деган хулосага келдилар. Тўпланган материаллар БМТ муҳокамасига тақдим этилади, ишлаб чиқилган тавсияларни эса кейинчалик донор деб аталувчи мамлакатлар ва Ўрта Осиё минтақасига ёрдам беришга жалб этилган йирик халқаро ташкилотлар оладилар.

ЮНИСЕФ Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида ишлашга мўлжалланган махсус жамғарма барпо этишни режалаштираётганлиги маълум қилинди. Жамғарма мутахассислари шу республикалар ҳукуматларининг экология, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш дастурлари юзасидан маслаҳатчилари бўлиб қолишади.

(ЎзА).

Суратда: қабул қилиш.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат (ЎзА).

21 март — Наврўз байрами

ШОДИЁНА ТАРАДДУДИДА

Қорақалпоғистон Республикасида Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Нукус шаҳрида янги макарон фабрикаси қурилиши тугалланди.

Фабрика замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Созлаш-ишга тушириш жараёнлари муваффақиятли ўтди.

Унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратилди. Маданий-маиший хизмат кўрсатадиган тармоқлар ишлаб турибди.

Корхона йилига 4.000 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қуватига эга бўлади. Бу ерда дастлабки маҳсулотлар тайёрланиб, савдо тармоқларига юборила бошланди. Наврўз байрами арафасида макарон маҳсулотларининг янгидан бир неча хилини тайёрлаш ўзлаштирилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ IV ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV Пленуми ўз ишини бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Таъсис қурултойидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида ХДПнинг ташкилий тузилиши йўналишида қандай амалий ишлар қилинди? Партияга қабул қандай борянти? Партия аъзоларининг таркибий қисми ҳақида нималар деб айтиш мумкин? Партия ташкилотларининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бериляпти? Мана шундай саволлар рўзноманинг сиёсий-ижтимоий бўлимига келаётган хатларнинг аксарият қисмида ўз аксини топган. Биз ана шу саволларга батафсил жавоб беришни илтимос қилиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташкилий-низомий масалалар, ягона партия билети ва статистика секторининг мудири М. О. Хадаевга мурожаат қилдик.

ЯШИРАДИГАН СИРИМИЗ ЙЎҚ

— Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойидан сўнг уч ярим ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу жуда қисқа, аммо бажарилган ишлар салмоғи бўйича ғоят катта давр бўлди. Айтингчи, мана шу вақт ичида қандай ташкилий ишлар амалга оширилди? Партия ички ҳаётини фаоллаштириш учун нималар қилиняпти?

— Партиямизнинг ташкилий даври поёнига етяпти. Бугун унинг таркибида 11 минг бошланғич, 197 та шаҳар ва район ташкилотлари иш олиб борянти. Партиянинг раҳбар органи, кенгашлар ва ижроия бюролари том маънода тўла ишга киришган. Партия кенгашлари раҳбарлигига асосан янги кишилар келишди. Омманинг ишончини қозонадиган ва партияга обрў келтирадиган иш услубини биринчи бўлиб ана шу кишилар амалга ошириш билан шуғулланадилар.

— Партия ташкилотлари қандай қийинчиликларга дуч келишяпти? Дастур ва Низомда ўз аксини топган аниқ вазифалар қай тарзда амалга оширилмоқда?

— Тўғри, барча партия ташкилотлари ўз фаолиятларини ХДПнинг Дастур ва Низомига асосланиб олиб бормоқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу вазифаларни амалга ошириш норматив-методик ҳужжатларда ва тавсияларда белгилаб берилади. Бу ҳужжатлар устида ҳозир иш олиб борянмиз, улар Марказий Кенгашнинг навбатдаги Пленумида кўриб чиқилади. Ҳозирчалик биз партия ички ҳаёти масалаларига доир муваққат тушунтиришларни жойларга юборянмиз. Бу ҳужжатлар маҳаллий ташкилотларга ёрдам беришгина қолмай, ишга янгича ёндашиш, муаммоларни аниқлаш имкониятларини ҳам беради.

— Партияга қабул ҳақида нималарни айта оласиз?

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бизда партияга қабул учун навбат кутишлар ва қабулни бошқариб бориш деган нарсанинг ўзи бўлмайди. Партиямиз эшиги ҳамма учун очиқ. Кимга унинг Дастурида қайд этилган мақсадлар яқин бўлса, кимки унинг Низомини тан олса ва бажарса, марҳамат, сафимизга кираверсин. Яна шуни ҳам айтиш керакки, қабул ҳақидаги охирги сўзни бошланғич ташкилотлар айтади. Ана шундай имконият яратиб берилгани сабабли партиямизга ўтган уч ярим ой ичида 80 мингдан кўпроқ янги аъзолар қўшилдилар. Бу—бошқача айтганда ўтган йилнинг етти ойи давомида собиқ компартияга қабул қилинган жами аъзолар сонидан олти баравар кўпдир.

Партияга қабул жуда ҳам оддийлаштирилди. Махсус анкеталарни тўлатиш, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, тавсияномалар олиш каби усуллардан бутунлай воз кечганмиз. Энди партия тақдири билан ўз тақдирини боғламоқчи бўлган киши ариза-анкетанигина тўлдиради, холос. Бошланғич партия ташкилотининг қабул ҳақидаги қарори ҳам ана шу анкетага ёзиб қўйилади ва шу ҳужжат асосида янги партия билети расмийлаштириб топширилади.

Хўш, қабулнинг бундай оддийлаштирилгани сабаби нимада? Энг аввало партияга кираётган бўлажак аъзони шу киши ишлаётган жамоа ҳар томонлама яхши билиши эътиборга олинди. Бошланғич ташкилотлар қабул масаласига жиддийроқ ёндашадилар, айрим ҳолларда эса ўз сафларига қабул қилинаётган кишини чуқурроқ ўрганадилар. Демак, энг аввало бошланғич ташкилотнинг масъулияти кучайиб боради. Партия аъзолари эса ўз сафларининг ҳамиша тоза бўлиши, ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар рўй бермаслиги учун бутун жавобгарликни зиммаларига оладилар.

Шу йил 1 февралгача Ўзбекистон ХДП аъзоларининг сони 349.536 кишига етди. Район ва шаҳар кенгашлари ўтказган таркибий текширишлар умуман бутун партия таркиби ҳақида фикр юритиш имконини беради. Менимча қуйидаги рақамлар партиянинг ижтимоий ва миллий таркибини ўзида яққол акс эттиради: партия аъзоларининг 38,6 фоизини—деҳқонлар, 14,1 фоизини—ишчилар, 9,1 фоизини — инженер-техник ходимлар, 9,2 фоизини — олий ўқув юртлари ходимлари, 5,4 фоизини эса нафақахўрлар ва уй бекалари ташкил этади. Шунингдек партия аъзоларининг умумтаълим даражаси ҳам анча юқоридир. Масалан, 39,4 фоиз партия аъзолари олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эгадирлар. Партиянинг асосий қисми—53,9 фоизини 40 ёшгача бўлган кишилар ташкил этади.

Ўзбекистон ХДП ўз сафига 74 миллат вакилларини бирлаштирган. Шулардан 79 фоизи—ўзбеклар, 2,9 фоизи қорақалпоқлар, 4,6 фоизи—қозоқлар, 4,3 фоизи —руслар, 3,9 фоизи—тожиклардир.

— Кўпчилик коммунистлар таъсис қурултойигача қайта рўйхатдан ўтиб, Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлдилар. Шу пайтгача иккиланиб, энди эса янги партияга аъзо бўлишни хоҳлаган коммунистлар ХДП га қабул қилинадими?

— Тўғри, собиқ коммунистларнинг бир қисми турли хил сабаблар билан Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлиш тўғрисида ўйланиб келдилар. Улар ҳақида энди нима деб айтиш мумкин? Орадан анча вақт ўтди. Қурултойда қабул қилинган партия Низомига Компартия аъзосининг ХДПга аъзо бўлиб кириши вақтида унинг умумий партия стажи сақланиб қолади, деган қоида киритилган. Бошланғич партия ташкилотларига эса моддий жиҳатдан қийналиб қолган, соғлиғини йўқотган ёки кексайиб қолган партия аъзоларини аъзолик бадали тўлашдан озод қилиш ҳуқуқи берилган. Собиқ КПСС аъзоларининг айримлари мана шу ҳуқуқни эътиборга олиб, ўзларини Ўзбекистон ХДП га қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилмоқдалар. Бундай аризалар бошланғич ташкилот йиғилишларида ёки унинг ижроия бюролари мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Коммунист шунингдек қайта рўйхатдан ўтказишни сўраб, тўғридан-тўғри район ва шаҳар кенгашларига ҳам мурожаат қилиши мумкин. Унинг аризаси тегишли ижроия бюросида кўрилади. Ана шу тарзда қайта рўйхатдан ўтказилган киши партия ташкилотларидан бирининг ҳисобига киритилади. Қайта рўйхатдан ўтказиш муддатларини тугаллаш ҳақидаги масалани эса Марказий Кенгаш пленуми белгилайди.

— Агар собиқ Компартия аъзоси Ўзбекистон ХДП га киришни истамасачи?

— Бу — унинг шахсий иши. Айрим собиқ коммунистлар ҳисоб ҳужжатларини беришларини сўраб партия ташкилотларига мурожаат ҳам қилмоқдалар. Уларнинг бу илтимоси шаҳар ёки район партия кенгашлари қарори билангина қондирилиши мумкин. Уларнинг ҳисоб варақаларига Компартия тугатилганлиги ва собиқ коммунист қайта рўйхатдан ўтмаганлиги муносабати билан ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги белги қўйилади. Республика ҳудудидан чиқиб кетаётган кишилар ҳам ҳеч қандай қаршиликсиз ҳисобдан чиқариладилар.

Энди партия аъзосини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида. Партиямиз ўз сафига кираётган ҳар бир аъзони ҳисобга олиб боради. Асосий ҳисоб район ва шаҳар кенгашларида бўлади, бошланғич партия ташкилотларида эса рўйхат юритилади. Бу ўз навбатида ҳисоб ходимлари сонини қисқартириш ва ҳисоб юритиш жараёнини оддийлаштириш имконини берди.

— Маҳаллий партия ташкилотлари қандай қийинчиликларга дуч келишяпти?

— Ҳамма жойда тамомила янги ҳудудий ташкилотлар шакллантирилганлиги сабабли кўпгина қийинчиликларга дуч келяпмиз. Ҳудудий ташкилотлар партиянинг асосий бўғини ҳисобланади. Бироқ, ана шу ташкилотлар ҳали етарли тажрибага эга эмаслар. Ҳудудий ташкилотлар таянадиган нуқталарни белгилаб олишимиз, партия аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаш таркибини яратиш, партия ташкилотлари ўртасидаги алоқалар ва бошқа бир қанча иш усуллари ва услубларини ишлаб чиқишимиз керак.

Халқ таълими ва бошқарув органларини партиядан ҳоли қилиш билан боғлиқ жуда кўп ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам олдимизда турибди. Партиянинг таянч нуқталаридан бири ана шу жойда бўлганлигини унутмаслигимиз керак. Ушбу органлар партиядан ҳоли этилгани муносабати билан шу ердаги партия аъзоларини йўқотиш хавфи ҳам туғилмоқда. Тўғри, вужудга келган бундай аҳволдан чиқишнинг турли йўллари қидириляпти. Тошкент шаҳридаги район партия кенгашлари қошида илмий, техник ходимларни, ижодкор зиёлиларни ўзида бирлаштирадиган бирлашган партия ташкилотлари тузилаётганлиги ана шу йўллардан биридир. Агар оқилона иш олиб борилса, бундай ташкилотлар ишимизга катта ёрдам бериши мумкин.

— Энди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати ҳақида тўхталсангиз?

— Марказий Кенгаш аппарати таркибида Таҳлил ва тахмин гуруҳи; Партия ички ишлари; Матбуот, ахборот ва ташвиқот; Парламент ишлари ва партиялараро алоқалар бўлимлари, Ишлар бошқармаси иш олиб бормоқда. Бу ерда жами 40 масъул ходим ишлайди. Марказий Кенгаш ва унинг аппарати ўз фаолиятини кун сайин кучайтириб бормоқда. Бизнинг манзилгоҳимиз қуйидагича: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9-уй, Собиқ Тошкент вилоят партия қўмитасининг биноси.

Аллаёр Қиличев — Пайариқ районидаги Наримонов ремонт ишлаб чиқариш корхонасига қарашли устахонада ўн йилдан бери чилангар бўлиб ишлайди. У қисқа вақт ичида хўжаликлардан келтирилган 91 та сеялкани қисқа муддатда таъмирлади.

Суратда: чилангар А. Қиличев.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ КЕНГАШИ

27 февраль куни Тошкентда Туркиядан келаётган одамийлик ёрдами юкларини қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳининг кенгаши бўлди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Қ. Ж. Ҳаққулов бошқарди.

Кенгашда Туркиядан Ўзбекистонга келадиган одамийлик ёрдами ҳажми юз миллион доллар миқдорида бўлиши таъкидланди. Ёрдам юклари орасида дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва айрим саноат моллари бор. Ишчи гуруҳи аъзолари — Тошкент шаҳар ҳокимияти, Савдо, Соғлиқни сақлаш, Автомобиль транспорти вазирликларининг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарларининг одамийлик ёрдамини қабул қилиб олишни ташкил этиш хусусидаги ахборотлари тингланди. Туркиядан меҳр-мурувват юклари келиши билан алоқадор барча ишларни сифатли бажаришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ишчи гуруҳи кенгашида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко иштирок этди.

(ЎзА).

● ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ—АМАЛДА

УЙИМИЗГА ГАЗ КЕЛДИ

Биз Тошкент вилоят Калинин районидаги «Хасково» давлат хўжалигининг «Коминтерн» ва Пушкин номли маҳаллаларининг фуқаролари шу кунларда беҳад хурсандлик оғушида яшаяпмиз.

Яқинда бизнинг икки маҳаллага кўпдан бери орзу қилган «зангори олов» келди ва 200 дан ортиқ хонадонда табиий газ ёна бошлади.

Бу савобли ишда аввало республикамиз Президентининг қишлоқ жойларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги қутлуғ фармони катта ёрдам берди. Чунки, мазкур маҳаллаларга газ келтириш юзасидан бундан уч йил илгари бошланган иш шу туфайли зое кетмади. Бунда Тошкент шаҳридаги «Метан» кооперативи жамоаси катта ёрдам берди десак бўлади. Кооперативнинг «Хасково» давлат хўжалиги билан тузган шартномаси асосида бошланган иш ниҳоят поёнига етди.

Шу кунларда маҳаллалардаги қолган хонадонларни ҳам газлаштириш давом этмоқда. Ана шу ишларнинг бошида турганлардан беҳад миннатдормиз.

Н. НУРТОЕВ,
Тошкент вилояти Калинин районидаги «Коминтерн» маҳалласи комитетининг раиси.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тажриба-механика заводи меҳнат жамоаси — жумҳурият машинасозлиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган жамоалардан бири. Бу ерда ўз ишини пухта эгаллаб олган меҳнат кишилари анчагина.

СУРАТДА: 4-разрядли токарь Анатолий Андрусюк.

Суратқаш Р. ШАРИПОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

ОВОЗИНГИЗ ЖАРАНГДОР БЎЛСИН

Ҳурматли бош муҳаррир!

Рўзномангиз ёрдам жамғармасига баҳоли қудрат 50 сўм пул ўтказдим, кўп ўринда қабул қилинг.

Фурсатдан фойдаланиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов жанобларини Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти лавозимига бутун халқ томонидан сайланганн, халқаро майдонда ўз муносиб ўрнини топаётгани билан Қозоғистон Жумҳурияти Чимкент вилоятининг Сайрам районидаги Қорабулоқ қишлоғида истиқомат қилаётган қарийб 30 минг ўзбек ва шаҳсан ўз номимдан самимий табриклайман. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, турмушда фароғат, эл-юрт фаровонлиги ва маъмурчилиги йўлидаги ишларингизда каттадан-катта ютуқлар тилаймиз.

«Ўзбекистон овози» жаранги ортаверсин!

Эзгу тилаклар ила,

Сотимбек ЙЎЛДОШ ўғли.
Сайрам.

● Бугун Тошкентда республика меъморларининг XIII қурултойи ўз ишини бошлайди

ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЕТИЛГАН МУАММОЛАРИ

Жумҳуриятимиз мустақиллик йўлини танлагандан кейин ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, биз меъморлар ҳам бугун ишимизни қайтадан кўриб чиқиб, янгича фаолият йўналишларини белгилаб олмоқдамиз. Лекин бозор муносабатлари шароитида меъморчилик муаммоларини ҳал қилишнинг ўзи бўлмаяпти.

Кун тартибида ҳозир шаҳарларни тарихан таркиб топган анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қайта таъмирлаш масаласи кўндаланг турибди. Бироқ бу ҳақда кўп гапирилса-да, шаҳарсозликда тайинли силжиш бўлгани йўқ. Биргина мисол. Республика пойтахтини, айниқса, унинг эски шаҳар қисмини қайта таъмирлаш, маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб янги бинолар қуриш ҳақида бундан бир неча йил аввал ўнлаб лойиҳа-ишланмалар тайёрланганди. Афсуски, ҳозиргача бу соҳада ўзгариш сезилмади. Бошқа жойларда ҳам шаҳар меъморчилигида диққатга сазовор ишлар амалга оширилгани йўқ.

Маълумки, меъморчилик кўринишида турар жой биноларининг қай тарзда қурилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қараганда ўтган йилларда бирмунча хатоликларга йўл қўйилди. Эски Иттифоқ марказий шаҳарларидан андоза олиб, кўп қаватли уй-жойлар қуриш кенгайиб кетди. Маҳаллий шароитлар, энг муҳими—халқ меъморчилиги билан ҳисоблашилмади. Натижада ҳовлиси бўлган хонадонларда яшовчи кўп болали оилалар ҳам кўп қаватли тор уйларда яшашга мажбур бўлишди.

Ҳайрият, жумҳурият ҳукумати қайта қуриш йилларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантиришга эътиборини қаратди. Жойларда маҳаллий Кенгашлар аҳолига ер участкалари ажрата бошлади. Шунга қарамасдан жумҳуриятда уй-жой муаммоси ҳанузгача ўткир бўлиб турибди. Бунга сабаб якка тартибда уй қурувчиларга қурилиш материаллари, айниқса, ёғоч-тахта, цемент, ойна, шифер ва ғишт етказиб бериш яхши ташкил этилмаганлигидир.

Яна бир томони шундаки, якка тартибда уй қураётган кишилар кўпгина ҳолларда ўз уйларини бош плансиз, жойнинг муҳандислик тайёргарлигини кўрмасдан барпо этишяпти. Афсуски, бу ишларда меъморлар қатнашмаяпти. Натижада қишлоқлар, қўрғонлар ва шаҳарларнинг умумий меъморчилик кўриниши бузилмоқда.

Хўш, эндиликда меъморчиликда туб ўзгаришларни амалга ошириш учун нима қилиш керак? Биринчидан, маданийлашган давлатлардаги сингари меъморчилик ва шаҳарсозлик бўйича қонун қабул қилиниши лозим.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасида етакчи мутахассислар билан ҳамкорликда меъморчилик ва шаҳарсозлик бўйича қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу лойиҳа яқин вақт ичида Олий Кенгаш сессияси кун тартибига киритилади. Унда қадимий шаҳарларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, кўп асрлик маданий меросга эътибор бериш ва ҳозирги замон меъморчилиги анъаналари билан уйғунлаштирган ҳолда янги биноларнинг барпо этиш йўналишлари белгиланган.

Меъморчиликни ривожлантириш меъморларнинг ўз ишларини қайта қуришдан бошланиши керак. Биринчи навбатда янги ижодий ташкилот—жумҳурият Меъморлар уюшмаси фаолиятини жонлантириш, унинг сафига юқори малакали мутахассислар, меъморчилик усталарини жалб қилиш зарур. Меъморчилик ижодий уюшмаси аъзолари келажакда замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда рақобатбардош устахоналарни ташкил этишлари, энг муҳими, бунда маҳаллий меъморчилик анъаналаларига эътибор қаратишлари лозим.

Бу ишда жумҳурият меъморчилиги давлат органи алоҳида етакчилик ролини ўйнаши керак. Бундай дейишимга асос бор. Чунки ўтган даврда меъморчилик соҳасига тегишли кўпгина ишлар бошқа тармоқлар зиммасига юклатилди. Дейлик, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ишлари Маданият вазирлиги томонидан, тарихий шаҳарларни таъмирлаш эса жумҳурият Қурилиш давлат комитети томонидан амалга оширилди. Ҳозирги пайтда жумҳурият меъморчилик давлат органи республика Қурилиш вазирлигининг ёрдамчи бир тармоғи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Кўпгина меъморчилик илмий-тадқиқот институтлари соҳадан ташқарида— бошқа вазирликлар қарамоғида иш олиб бораяпти. Бу эса меъморчилик ва шаҳарсозликка ажратилган бюджет маблағларининг сочилиб кетишига олиб келмоқда.

Эндиликда жумҳурият Меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасига бевосита бўйсундириш лозим. Шундай қилинса, меъморчилик ва шаҳарсозлик роли ошган, умумий шаҳарсозлик сиёсатига жавобгарлик кучайган, энг муҳими— меъморларнинг яшаш ва иш шароитлари яхшиланган бўлур эди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, яқиндан бошлаб жумҳурият ҳукумати бу соҳага эътиборни кучайтирди. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳрида меъморчилик-қурилиш институтини ташкил қилиш ҳақида фармон қабул қилди. Бу эса тармоқда кадрлар муаммосини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.

Яна бир қувончли факт. Ўзбекистон Меъморчилик уюшмаси халқаро тажрибалардан фойдаланишга ҳам интилмоқда. Ўтган йили уюшма Халқаро меъморчилик академияси билан ижодий алоқа боғлади. Меъморчиликнинг фахрий президенти Пьер Ваго раҳбарлигида жумҳуриятимизда «Бухоро — ўтмиш, бугун ва келажак» мавзусида ёш меъморларнинг бутунжаҳон семинари ўтказилди. Семинарда қадимий Бухоро марказини қайта таъмирлаш бўйича лойиҳа таклифлари ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари, халқаро Ғаҳон маданий фонди ёрдами билан қадимий шаҳар Самарқандни тиклаш мақсадида меъморлар конкурси ташкил этилди. Конкурсга жаҳон бўйича 685 та энг яхши лойиҳалар тақдим этилди. Улардан энг маъқули амалиётда қўллаш учун қурувчиларга топширилди.

Яқинда жумҳурият меъморлари Покистоннинг «Анжуман Меморан» меъморчилик ташкилоти билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишди. Эндиликда уюшма жаҳоннинг етакчи фирмалари, меъморчилик ташкилотлари ва усталари билан ижодий алоқани кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, келажакда халқаро меъморчилик конкурсларида фаол қатнашиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Хуллас, ҳозир бизда халқ меъморчилиги анъаналарини тиклашга, жаҳон ҳамжамияти тажрибаларидан фойдаланиб, шаҳарсозликда замонавий талаб даражасига чиқиб олишга интилиш кучаймоқда. Ўйлаймизки, бугун Тошкентда ўз ишини бошлайдиган жумҳурият меъморларининг қурултойи бу соҳада янги йўналишларни белгилаб беради.

Т. ҚОДИРОВА,
Жумҳурият меъморчилик уюшмаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

ИДОРАДАН ИДОРАНИНГ ФАРҚИ БОР

Бугун очиладиган Ўзбекистон меъморлари қурултойидан умидим катта. Чунки бу анжуман республика меъморчилиги соҳасида узоқ вақтдан буён ўз ечимини кутиб ётган муаммоларни ҳал этишга бош қўшади, деб ўйлайман.

Агар менга сўз берилса, биласизми, нима ҳақида сўзлардим? Меъморчилик билан ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабат ҳақида гапирардим. Негаки, ҳозирги шароитда бошқарув бўғинлари поғоналари кўп. Лекин уларнинг иш самараси кўринмаяпти.

Менимча, вилоятлар меъморчилик бош бошқармасини вилоят марказидаги шаҳар меъморчилик бўлимига, давлат қурилиш қўмитаси билан табиатни муҳофаза қилиш қўмитасини давлат меъморчилик қўмитаси раҳбарлигига бўйсундириш керак. Бу — биринчи навбатда қилинадиган ва кечиктириб бўлмайдиган иш, деб ҳисоблайман. Қисқаси, бизнинг ишимизда вилоят бўғини тизимидан воз кечиш палласи келди. Нега? Вилоят меъморчилик бош бошқармасининг ўз ери, яъни шаҳар ё қишлоғи йўқ. Шунинг учун ҳам бу идора шаҳар ёки районлардаги меъморчилик ишларига бевосита жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига ололмайди.

АГАР МЕНГА СЎЗ БЕРИЛСА...

Фикримча, бу Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Нима учун? Шаҳар, қишлоқ райони ва қишлоқларда меъморчилик ҳокимиятини ўрнатиш керак. Ҳозир район ижроия комитети ҳузуридаги меъморчилик бўлимлари ҳуқуқлари йўқ ҳисоби. Амалда ҳозир район меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими йўқ. Айтмоқчиманки, район меъморчилик бўлими ҳамда район бош меъмори мақомини тиклаш керак.

Р. БИБОЛАЕВ,
Сирдарё вилоят Гулистон район бош меъмори.

● ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЖИПСЛИККА ДАЪВАТ

«Юксакликка парвоз қилиш учун қанотлар мустаҳкам бўлмоғи лозим. Шу боис биз, Сизнинг маънавий ва амалий кўмагингизга муҳтожмиз. Демократия, инсонпарварлик ва ижтимоий адолатдан иборат йўлимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз мустақил Ўзбекистонимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссангиз бўлур эди»...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ўз ҳудудидаги аъзоларга қарата шу мазмунда Мурожаатнома қабул қилди. Бундан мақсад — ҳозирги иқтисодий танглик пайтида партия аъзоларини янада жипслашишга, ҳар қандай муаммоли масалалар ечимига бир ёқадан бош чиқариб киришишга даъват этишдан иборат.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши кейинги ойда бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг аҳоли ўртасида иш олиб боришига ёрдам кўрсатиш мақсадида кенгаш аппарати ходимларини шаҳар ва районларга мунтазам чиқармоқда.

Шундай учрашувларнинг дастлабкиси Олот район партия ташкилотларида бўлиб ўтди. Вилоят кенгашининг котиблари А. Халилов, Х. Жумабоев ва кенгаш ташвиқотчиси С. Мамедовлар райондаги тўқув фабрикаси, Крупская номли, Энгельс номли жамоа хўжаликлари, марказий касалхона, Аму—Бухоро машина канали бошқармаси ва яна бир қатор корхона ва ташкилотлардаги партия аъзолари билан учрашдилар. Улар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти тўғрисида гапириб бердилар, тўпланганларнинг барча саволларига жавоб бердилар.

Худди шундай учрашувлар кейинги кунларда белгиланган жадвал бўйича вилоятнинг барча шаҳар ва районларидаги бошланғич партия ташкилотларида ўтмоқда.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА

Жойлардаги партия ташкилотларига бозор иқтисодиёти шароитида фақат аъзолик бадаллари ҳисобига самарали фаолият кўрсатиш қийин бўлмоқда. Шуни назарда тутиб Қоракўл район партия кенгаши янгидан ташкил этилаётган «Алоқа» номли кичик корхонага муассислик қилишни ўз зиммасига олди.

Кичик корхона аҳоли истиқомат жойларида радио ва телефон ўрнатиш, таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Аҳоли ўртасида бундай ишларга талаб катта эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун меҳнаткашлардан кўпдан-кўп буюртмалар туша бошлади. Кичик корхона меҳнат жамоаси ишлаб топган даромаднинг ўн фоизи муассиснинг банкдаги ҳисобига тушади.

КОТИБЛАР СЕМИНАРИ

Ромитан район партия кенгаши ижроия бюроси бошланғич ташкилотлар котиблари учун янгича шароитда ғоявий-тарбиявий ишни ташкил қилиш хусусиятлари тўғрисида семинар ўтказди.

Унда район кенгашининг котиблари О. Ҳакимов, Ж. Фозилов партия ташкилотларидаги шу кунги вазифалар, уларнинг ишини ташкил қилишнинг принциплари тўғрисида маърузалар қилишди.

Кенгашнинг партия ташкилотчилари А. Комилов, Ф. Қодиров эса бошланғич партия ташкилотларида, депутатлик гуруҳларида иш олиб бориш хусусиятлари тўғрисида сўзлашдилар. Котибларнинг саволларига вилоят кенгаши масъул ходими И. Бурҳонов жавоб берди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОФ ФОЙДА ҲИСОБИДАН

Поп районидаги нотўқима ғазламалар фабрикаси маъмурияти меҳнат кенгаши ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ўз ишчи-хизматчиларини бозор муносабатлари шароитида ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишди.

Корхона бўйича ўртача ойлик маош 1300 сўмга етказилди. Йил давомида самарали меҳнат қилган ишчилардан 835 нафарига ўн учинчи ва ўн тўртинчи ойлик маошлар мукофот тариқасида берилди. Январь ойидан бошлаб тушлик овқат учун ҳар бир ишчи-хизматчига 10 сўмдан товон пули тўлаш жорий этилди.

Тўқувчилар учун бошқа маданий-маиший шароитлар ҳам яратилган. Бу ерда озиқ-овқат, саноат моллари дўконлари, буфет, чойхона ишлаб турибди. Дам олиш хоналари, қироатхоналар меҳнаткашлар ихтиёрида. Махсус автобус ишчиларга хизмат кўрсатаётир. Хуллас, бундай ғамхўрлик фабрика жамоасининг барқарор ишлашига ёрдам бермоқда.

С. ҚЎЧҚОРОВ,
Наманган вилояти.

• ТИЛШУНОС ТАКЛИФИ

ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ

Республикамизнинг давлат тили ҳақидаги Қонунининг бош мақсади, моҳияти чинакам тугал маънавият эгаларини, дилида покиза миллатпарварлиқ туйғулари устивор бўлган, боболар руҳи — минг йиллик миллий қадриятларнинг абадийлигига имон келтира биладиган кишилар сафини мустаҳкамлащдан иборат.

Хўш, давлат тили ҳақидаги Қонунимиз қандай ишлаяпти? Бу саволга «Умуман ёмон ишламаяпти» деб жавоб бериш мумкин. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Республика комиссияси» бир қатор тадбирларни ҳаётга жорий қилмоқда. Бу соҳадаги ишларни яна ҳам жадаллаштиришдай эзгу мақсад билан яқинда мазкур комиссия ўз таркибида бир неча кичик комиссияларни ҳам ташкил этди. Булар давлат тили ҳақидаги Қонунни бажаришдаги тегишли вазифалар билан яқиндан шуғулланиш имконига эга.

Ҳозирча давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилишидаги сусткашлик ҳеч кимни — миллат равнақи ҳақида дилдан қайғура оладиган ҳар қандай кишини бефарқ қолдира олмайди.

Қонунни бажаришда нафақат сусткашлик, балки, анча-мунча чалкашликлар ҳам мавжуд. Улар кўнгилни хира қилади. Бугунги кунда, таассуфки, ўринли-ўринсиз, асосли-асоссиз, «янги» атамаларни тилга мажбурлаб киритиш урфга айланди. Бир тушунча учун бир неча хил, баъзан бир-бирига зид атамалар «болалаб» кетди. Бу энг аввало, оммавий ахборот воситаларининг «хизмати»-дай туюлди менга. Ташвишланарлиси шундаки, журналистлар, ҳатто мутахассислар томонидан тавсия этилаётган ва қўлланаётган атамалар аксар ҳолларда илмий идрок эмас, балки, ғўр миллий эҳтирос маҳсули бўлиб қолмоқда. Биргина «институт» атамаси ўрнида «олийгоҳ», «билимгоҳ», «таҳсилгоҳ», «олий ўқув юрти» каби хилма-хил сўзлар, сунъий ясалма «олийгоҳ»ларга ҳожат борми? Турк, форс, афғон ва бошқа тилларда «институт» сўзи мазкур тилларга мослаштирилган ҳолда («ансту») қабул қилинган.

Бошқа тилдан сўз олиш, бу — табиий жараён, биз истаймизми, йўқми, барибир бу жараён мавжуд бўлаверади. Муҳими бундаги меъёр ва ўзбек тилининг ўз товуш қонуниятлари билан уйғунлик. Бошқа тилдан сўз олинганда, бу сўз талаффуз жиҳатидан олувчи тилнинг товуш қонуниятларига мослаштирилмоғи лозим. Араб, форс, япон, турк ва кўплаб бошқа тилларда азалдан шундай. Ана шундай қилинганда, бошқа тилнинг сўзи бу тилга том маънода ўзлашиши ва бу тил ростмана бойиши мумкин. Айтайлик, «иқлим» сўзини бугун ҳеч қайси ўзбек бошқа сўз билан алмаштириш таклифи билан чиқмайди. Тилимиздаги бениҳоя кўп арабча сўзлар қаторида бу сўз ҳам ўзлашиб кетган. Аммо бу сўз аслида арабларнинг ҳам бевосита ўз сўзи эмас. Уни араблар юнон тилидан олган. Юнонларда «климатос» деган сўз бўлиб, у «қуёш нурининг ерга тушишидаги қиялик даражаси» деган маънони беради. Шу сўзни, албатта, айни маъноси билан араблар ўзлаштирган, талаффузини ҳам арабчалаштирганлар («иқлим»). Ўзимиз ҳам «комитетни» «қўмита» қилиб олиб, бирон-бир нарсани ютқизган эмасмиз, аксинча, ютганмиз. Бу билан мен фақат четдан сўз олиш керак демоқчи эмасман. Асло. Ўзбек тилининг туганмас ўз имкониятлари асосида сўз ясаш, тилимизнинг унутилаёзган теран томирлари — қадимги туркий тил, эски ўзбек тили луғат бойлигидан сўзларни мунтазам териб олиб, ўрни билан умумхалқ истифодасига киритиш энг мақбул ва матлуб йўлдир. Ҳозирча шундай бўляпти дейиш қийин. Бу соҳадаги бошбошдоқлик мисолларсиз ҳам барчага аён. Бу йўналишдаги ишларни бир изга тушириш, илмий бошқариш зарур. Бундай бошқарувни Республика Атамақўми зудлик билан ўз қўлига олишига ишонмоқ мумкин.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 29-моддасида «Давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилади» дейилган. Аммо ҳеч кимга сир эмаски, аксарият матбуот нашрларида («Муштум», «Ёшлик» ва бошқалар) бу модда бажарилмаяпти. Уларда «ўзбек тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига», хусусан, имло қоидаларига риоя қилинаётгани йўқ. Рус тили ва бошқа Европа тилларидан ўтган сўзлар ўзбек тилида қандай талаффуз қилинса, шундай ёзилмоқда («мелиса», «сирк», «ўктабр», «нўябр» каби. Бундай ҳаракатни умуман тўла маъқуллаш керак. Ўзбек тилида мутлақо йўқ бўлган товуш ифодаси бўлган «ц», ўзбек тилига хос бўлмаган юмшоқлик белгиси (ь) кабилар билан мавжуд ўзбек алифбосини «шиширириш» фақат зарардир. Бунинг устига айтиб ўтилганидай, ўзлаштириладиган сўз тўласича ўзбек талаффузига мослаштирилмоғи мақсадга мувофиқ. Турк биродарларимиз асосан ана шу йўлдан боришган ва жуда кўп муаммоларни осонлик билан ҳал қилганлар.

Бизнинг тилимизга қариндош бўлмаган бошқа тилларда ҳам бундай йўл бор. Лекин ҳозирча бу йўл ўзбек тилининг «эҳтиёткорлик» билан тузилган мавжуд илмий қоидаларига зид («Бир сўзни, масалан, ўн иккинчи ой номини рус тили ўқитувчиси «декабрь» деб ўргатса, ўзбек тили ўқитувчиси эса «декабр» деб ўргатса, ғалати бўлмайдими?» қабилидаги эҳтиётли мулоҳазалар ҳозир ҳам баъзан қулоққа чалинади, Аслида нега ғалати бўлиши керак? Улар мутлақо икки хил оилага киради. Аммо барибир, ҳеч бир ишда, ҳеч бир соҳада, ҳеч бир тилда ҳеч нарсанинг ўзгаришсиз, ўзгартирилмасдан, ўзгаришсиз, ўзгартирилмасдан ишлаши, ишлатилиши, ишлатилиши, ишлатили

Янгиликдан хабарингиз борми?

● Ҳиндистон — ўзбек халқи учун қадим-қадимдан яқин ва қадрдон диёр. Бизнинг бу афсонавий ўлка билан кўп асрлик дўстона алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга қилган сафари икки мамлакат ҳамкорлигини юксак поғоналарга кўтарди. Тошкентдаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида ўтказилган Ҳиндистон савдо ярмаркаси, ишбилармон кишиларнинг республикамизга ташрифи, иқтисодиёт, фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини излаш, қўшма корхоналар фикримизга яққол мисолдир.

Мана, яна бир Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси — «Самандар». Унинг муассислари — «Ўзбеккоопвнешторг» ташқи савдо бирлашмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва «Феникс Оверсиз Лимитед» ҳинд фирмаси. Қўшма корхона ўз олдига «Фильм—S» ойлик ахборот-тижорат жаридасини, бошқа босма маҳсулотларини нашр этишни, эсдалик буюмлари тайёрлашни, бадиий-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратишни, кино ва видеофильмларни ўзаро алмашиш ҳамда прокатга чиқариш билан шуғулланишни, тижорат операцияларини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Истиқболда эса машҳур ўзбек ва ҳинд санъаткорлари иштирокида ҳам Ўзбекистонда, ҳам Ҳиндистонда театрлаштирилган зўр томошаларни қўйиш режаси бор.

● *Ҳамкорлик робиталари*

«САМАНДАР» ВА УНИНГ ОЙНОМАСИ

«Самандар» маҳсулотларининг нишонаси «Фильм—S» рангли, безакли ойномаси ўзбек ва рус тилларида мухлислар қўлига тегди. Аввало, жариданинг номи ҳақида. «Фильм» сўзининг маъноси ҳаммага тушунарли. Ўнидаги лотинча ҳарфчи? У — ойнома «Самандар» қўшма корхонасининг матбуот органи эканлигидан далолатдир. Муаллифлар ҳинд киноси ва унинг арбоблари ҳақида батафсил ҳикоя қилиш билан бирга, Ўзбекистон кинематографиясидаги янгиликлар билан ўқувчиларни таништириб боришмоқчи. Айни пайтда унинг саҳифаларида хорижнинг фирма ва маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг рекламасига катта аҳамият бериб борилади.

— Мен Ўзбекистон халқининг дўстсеварлигини, меҳмондўстлигини яхши биламан, — дейди «Феникс Оверсиз Лимитед» ҳинд фирмасининг вакили доктор Сурёндра Сингх. — Бу замин кишилари дўстлик, яхши қўшничилик каби тушунчаларни юксак қадрлайдилар. Бошқа халқларнинг маданиятига ҳурмат билан қарайдилар. Ўзбекларнинг, айниқса, Ҳиндистон киносанъатига муносабати мени қувонтиради. Шу боис икки мамлакат намояндалари иштирокида қўшма корхона тузиш ғояси пайдо бўлганида мен уни бажонидил қўллаб-қувватладим ва қўлимдан келганча бу олижаноб ишга ҳисса қўшдим.

Республикамизда ҳозир матбуот муайян қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Шундай шароитда бизда нашр қилинаётган ойномалар яна биттага кўпайди. Унинг пойқадами қутлуғ бўлсин!

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ

● «ЎҚУВЧИНИ ўз фанидан район, вилоят ва республика олимпиадасига олиб чиққан ўқитувчига минг сўм пул мукофот».

Ғузор районидаги «Рассвет» ва Ленин номли давлат хўжаликларининг мутасаддилари шундай қарорга келдилар. Бу ташаббусни халқ депутатлари район кенгаши ҳам маъқуллади.

Ҳозир районда кўпгина колхоз ва совхозларда ёшларни касбга йўналтиришни яхшилаш учун мактаблар билан узвий алоқа боғланмоқда. Уларга оталиқ ёрдам кучайтирилаётир. Шу мақсадда ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаган ўқитувчиларни рағбатлантириш, аълочи ўқувчиларга махсус стипендиялар тайинлаш йўлга қўйилди.

Албатта бу ишларда ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиқмоқда. «Рассвет», Ленин номли давлат хўжаликлари қатори К. Маркс, Мели Раҳмонов, Очил Кўчкинов номли жамоа хўжаликлари ҳам иқтисодий жиҳатдан жуда бақувват. Улар аълочи ўқувчиларга ойма-ой стипендия бериб бормоқдалар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

БИРИНЧИ БОСҚИЧ

● ТОШКЕНТДА шахмат бўйича олий лигачилар Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда.

Республика чемпионлиги учун курашда бу сафар 14 нафар шахматчи ўзаро дона сурмоқда. Уларнинг бири халқаро спорт устаси бўлса, тўрт нафари спорт устаси ва саккиз нафари спорт усталигига номзодлардан иборат. Чемпионатнинг биринчи босқичида тошкентлик Аркадий Плотштейн 4,5 очко билан олдинда бормоқда.

МАҲОРАТ КУРИГИ

● КОСОНСОЙДА мотопойга бўйича қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.

Мотоцикл ҳайдаш усталари бу сафар Абдусаттор Шарипов хотира-соврини ва республика биринчилигининг дастлабки саралаш мусобақасида муваффақият қозониш учун ўзаро курашдилар. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрган Тошкент вилояти пойгачилари биринчи ўринни эгаллашди. Қибрай спорт-техника мактаби билан Тошкентнинг Ҳамза район спорт клуби пойгачилари 2 ва 3-ўринларни олишди. Шахсий ҳисобда двигатели ҳажми 125 куб. сантиметрли мотоциклни моҳирлик билан бошқарган қозоғистонлик В. Попов ғалаба қозонди. Қаршилик Р. Эминов билан қибрайлик А. Каримбековлар маррага 2 ва 3-бўлиб келишди.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

● АНДИЖОНДА самбо курраши бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

МДҲ чемпионатида кучлиларни саралаш тарзида ўтказилган мусобақада республикамизнинг 130 нафар самбочиси иштирок этди. Беллашувларда вазнларга кўра қуйидаги самбочилар ғолиблик супасига кўтарилишди: тошкентликлар— А. Гатаулин, Х. Холтобин, А. Ғойибназаров, И. Абдулин, Тошкент вилоятидан В. Жумақулов, Бухоро вилоятидан Р. Болтаев билан М. Муҳамедов, Хоразм вилоятидан Ш. Машарипов билан А. Йўлдошев.

ПЕШҚАДАМ ҚИЗЛАР

● ТОШКЕНТНИНГ «Автомобилист» жамоаси волейболчи қизлари пешқадамлик қилишмоқда.

МДҲ чемпионатида биринчи лига жамоалари билан ўзаро курашни кўтаринки руҳда ўтказаётган волейболчиларимиз мавқеларини мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Улар Тошкентда тўрт марта ғалабага эришишди. Жумладан Санкт-Петербургнинг трамвай-троллейбус бошқармаси ва Оқтау шаҳрининг «Сфинкс» жамоалари билан иккитадан ўйин ўтказиб, ғалабаларини очколар олишди. Волейболчиларимиз мавсум бошидан бери 26 та ўйинни мағлубиятсиз ўтказдилар. Энди Иваново шаҳрида якунловчи 6 учрашувни ҳам муваффақиятли ўтказишса, ғолиблик қўлга киритилади.

НУР—ШИФО МАСКАНИ

● АНДИЖОН давлат тиллар муаллимлик олий илмгоҳининг санаторий-профилакторийси қошида беморларни лазер нури билан даволайдиган кичик корхона иш бошлади.

Собиқ Совет Иттифоқи тиббиёт фанлари академияси радиологик тиббиёт илмий-тадқиқот олий билимгоҳи, «Медиум» номли илмий-техник фирмаси ҳамда «Сигнал» асбобсозлик заводи билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган «Элат» номли янги терапевтик лазер аппарати ёрдамида турли касалликлар даволанади.

Аниқроғи, оёқ-қўл бўғинларида туз тўпланиши, юрак хасталиги, қон босимининг ортиши, нафас олиш йўллари, ўпка хасталиклари, ошқозон, ўн икки бармоқли, йўғон ва ингичка ичак, жигар, ўт пуфаги яллиғланиши, буйрак, пешоб йўллари шамоллаши, қулоқ, бурун, касалликларидан фориғ бўлиш мумкин.

Кичик корхонада лазер нури билан даволашдан ташқари массаж, ҳар хил доривор ўсимликларни ишлатиш билан ванна қабул қилиш, махсус асбоб ёрдамида ошқозон, ичак йўлларини ювиш ва бошқа муолажалар малакали мутахассислар томонидан бажарилади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Қарши шаҳридаги Бекмур-қозоқ мадрасасида қизлар учун диний ўқув юрти очилди. Бу ерда ислом таълимоти, араб тили ўқитилади. «Обувьшвейтрикотаж» бирлашмаси тикувчилик цехини жиҳозлаб берди. Шу ерда қизлар ҳунар ҳам ўрганишмоқда.

СУРАТДА: мударрис Тўтихон Йўлдош қизи (ўнгда) ўз шогирдлари даврасида

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзА).

• БИЗНИНГ СУҲБАТ •

МЕҲР-ШАФҚАТ— ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ҳурматли рўзнома таҳририяти! Жумҳуриятимизда меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ташкил этилганлиги бизга маълум. Аммо унга тушаётган маблағларнинг манбалари, тўпланган пулларнинг қай даражада сарфланаётганлиги, шунингдек жамғармага қай тарзда пул ўтказиш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Шу ҳақда маълумот олишни истардик.

Ж. ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳри.

Биз муштарийни қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун Жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раисининг биринчи муовини М. УСМОНХЎЖАЕВга мурожаат этдик.

— Ҳурматли Мухтор Сандович! Аввало жамғарма қачондан бери фаолият кўрсатяпти. Шу давр мобайнида қандай тадбирларни амалга оширди. Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикасининг Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ўз фаолиятини бошлаганига уч йил бўлди. Шу давр мобайнида жумҳуриятимизда яшайдиган кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аҳолига ёрдам бериш бўйича анчагина тадбирлар ўтказилди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Шунинг учун фондимизнинг ўтган йилги фаолияти ҳақида маълумот бersак мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

— Муштарийни жамғарма томонидан тасарруф этиладиган маблағларнинг бунёдга келиши манбалари ва уларнинг сарфланиши кўпроқ қизиқтиради.

— Ўтган 1991 йилда жамғармамизнинг меҳр-шафқат ҳисобига 1 миллион 791 минг 200 сўм пул тушди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозир юзага келган қийин иқтисодий шароитда турмуш кечиришнинг оғирлашиб бораётганига қарамай одамларни меҳр-шафқат ва мурувват кўрсатишдек олижаноб ҳислатларни ҳануз тарк этгани йўқ. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Масалан, жумҳурият аҳолисининг меҳр-мурувватли кишилари ҳисобимизга 74,4 минг сўм пул ўтказдилар. Давлат корхоналари, муассасалари, кооперативлар ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, турли жамоат ҳамда диний ташкилотлардан 299,5 минг сўм маблағ келиб тушди. Жамғармамизнинг муассислари эса 55,5 минг сўм билан ёрдам бердилар.

Жамғарма жамоаси ҳозирги пулнинг қадрсизланиши, ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, одамлар турмуш тарзининг ночорлашуви шароитида бу пулларни сарфлаш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам биз ўтган йилда ўз ишлаб чиқариш базамизни ривожлантириш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш орқали кўпроқ маблағ олишга ҳаракат қилдик.

Ишимиз ёмон самара бермади. Натижада меҳр-шафқат тадбирларини амалга ошириш учун сарфланадиган пулнинг асосий қисмини юқоридаги фаолият орқали олишга муваффақ бўлдик. Жумладан, жамғармамизга тегишли бўлган 64 та ишлаб чиқариш корхонаси ва бўлинмаси 902,2 минг сўм пул бердилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш корхоналарида 1160 киши ишлайди. Уларнинг бир қисми ногиронлардир.

Хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш корхоналаримиз турли халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар. Медицина ҳамда бошқа турдаги хизмат кўрсатадилар. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз нафақахўрлар, меҳнат ва уруш ногиронлари, кўп болали оналар, ҳалок бўлган милиционерлар ва ҳарбий хизматчиларнинг бевалари бизнинг хизматимиздан биринчи навбатда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бу кишиларга арзон нархда ёки умуман текин қилиб уй ва хонадонлари ремонт қилиб берилади. Автомобиллари, уй-рўзғор техникаси созланади. Бошқа турдаги хизмат кўрсатилади. Жамғарма ишида меҳр-шафқат, тижорат фаолияти муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Конкурслар, кўргазмалар, аукционлар, ярмаркалар ўтказиш орқали ўтган йили жамғармамиз ихтиёрига 118,6 минг сўм тушди. Бу маблағ кам таъминланган кишиларга бўлиб берилди.

Энди ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган одамларга кўрсатилган ёрдам ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Биргина меҳр-шафқат йўналишидаги ҳаражат 2 миллион 299 минг 700 сўмни ташкил этди. Шунинг асосий қисми республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг узоқ муддатли мақсадли программасини амалга ошириш учун сарфланади.

83 кишига дори-дармонлар сотиб олиш учун пул ажратдик. 40 киши жамғарма ҳисобидан даволаниш учун санаторийларга йўлланмалар олдилар. Юролмайдиган 15 ногирон коляскалар, ўтган йилнинг бутун даври мобайнида жумҳуриятимиздаги умумий овқатланиш тармоқлари орқали жамғарма ҳисобидан 2688 киши текин тушлик билан таъминланди. Шунингдек биз кам таъминланган кишилар учун кийим-кечак олишга 456 минг сўм сарфладик. Турли тадбирлар ўтказиш пайтида 5150 киши текин кийим-бош олди.

Жамғармамиз томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг ўзига хос турларидан бири одамларни моддий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Ўтган йили жамғарма ҳисобидан 3500 киши жами 173,4 минг сўм нақд пул олди. Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига 65,2 минг сўмлик ёрдам кўрсатдик. Ҳалок бўлган милиционерлар ва ҳарбий хизматчиларнинг беволарига 16,4 минг сўмлик маблағ ажратилди.

— Жумҳуриятимизда йил мобайнида табиий офатлар рўй бериб туради. Суғурта ташкилотлари кўрилган зарарни қоплашга ниҳоятда ҳаракат қилмоқда. Аммо улар ажратган маблағ баъзан одамларга вақтида етиб бормайди, баъзида эса ажратилган маблағ урвоқ ҳам бўлмайди.

— Жамғармамиз табиий офат натижасида зарар кўрган кишиларга ҳам ёрдам беряпти. 1991 йилда шу мақсадларга 93,2 минг сўм сарфладик. Бултур иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган кишилардан 9347 хат олдик.

9313 хат эгасига ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари жамғармамиз қабулхонасига кунига ўнлаб кишилар ташриф буюрадилар. Уларнинг қарийб ҳаммасига жамғармамиз ходимлари ва фаоллари ёрдам кўрсатишади.

Жамғармамизнинг «Саховат» деб номланган магазини орқали иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган кишиларга арзон баҳоларда моллар сотишни йўлга қўйганмиз. Йил мобайнида 150 минг кишига 375 минг сўмлик моллар арзон нархда сотилди. Бундан ташқари 1700 киши 102 минг сўмлик кийим-кечакларни текинга олдилар.

Жамғармамиз жамоаси аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда медицина хизмати кўрсатишни ҳам ўз зиммасига олган. Шу мақсадлар учун ўтган йили 119,6 минг сўм сарфладик. Бунинг анчагина қисми мураккаб медицина жиҳозлари олишга ҳамда даволаш-профилактика марказлари ташкил этишга сарфланди.

Бу йил жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш бўйича катта ишларни амалга оширишни мўлжаллаб турибди. Бу ишларни амалга ошириш учун маблағлар тушаётир.

— Одамлардан рўзнома таҳририятига муҳтожларга ёрдам бериш, яъни меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига пул ўтказиш учун қаерга мурожаат этиш ҳақида сўровлар келиб турибди. Улар қаерга мурожаат қилишлари мумкин?

— Агар ким мана шундай хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишни истаса, саховатпеша кишиларга ўз манзилгоҳимизни маълум қиламиз. Тошкент шаҳар, Куйбишев район 1-Ульянов тор кўчаси, 8-уй. Ҳисоб счётимиз 000704503, Код номеримиз 734279.

Суҳбатдош:

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

КОЛХОЗ, СОВХОЗ, ФЕРМЕРЛАР ВА ЯККА ХЎЖАЛИКЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтига қарашли Тажриба ишлаб чиқариш хўжалигидан баҳорги кўкламзорлаштириш ишлари учун:

Можжевельник вергинский, мирза терак, ёнғоқ, ясень, клин, тут, самшит, лигуструм ва барча турдаги атиргул кўчатларини

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Кўчатларнинг нархи келишилган баҳода бўлади. Манзилгоҳимиз: 702017, Тошкент вилояти, Тошкент райони, Дархон қишлоғи, Чимкент кўчаси, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига қарашли Тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги.

Керакли маълумотларни Тошкент шаҳрига қарашли 21-70-91 рақамли телефон бўйича олишингиз мумкин.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

кафедралар бўйича ўзбек ва рус тилларини биладиган профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик фаолиятининг таҳлили, қишлоқ хўжалик мелиорацияси;

профессор: қишлоқ хўжалик мелиорацияси;

доцентлар: энтомология ва ўсимликларни яхлитлаштирилган ҳолда муҳофазалаш (2), қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, селекция ва уруғчилик, умумий ва хусусий зоотехния;

катта ўқитувчилар: сиёсий тарих ва Ўзбекистон халқлари тарихи;

ўқитувчилар: рус тили (3);

ассистентлар: ўрмон мелиорацияси, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, сиёсий иқтисод, пахтачилик, бошқарув ва агросаноат комлексининг ҳуқуқий асослари, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

кичик илмий ходим: илмий-тадқиқот синов станцияси (ўсимликшунослик).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА ҚАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

асосий сабзавот экинларининг энг яхши нав уруғ термаларини ва алоҳида сараланган «Октябрь» ва «Восток» навли помидор уруғларини

ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА СОТИЛАДИ

Термаларга ана шу уруғларни экиш ва ўстиришга оид тавсияномалар илова қилинади.

Оммавий талабномалар қабул қилинади.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ИЛМГОҲНИНГ СЕЛЕКЦИЯ БЎЛИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН. ТРАНСПОРТ: метронинг «Чорсу» ёки «Беруний» бекатлари, у ёғига 454, 467, 472-автобуслар ёки «Минводи» маршрутли такси билан «Илмгоҳ» бекатигача борилади.

«УНИВЕРСАЛ» МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИКА КОРХОНАСИ

«ФАРТ» ва «УНИВЕРСАЛ» ўйин компьютер автоматларини СОТАДИ

«Покер», «21», «Мен ўйлаган сонни топ» ўйинлари бўлган «Фарт» ютуқли автомати тангалар ёки ютуқ жамғармали нишонга тўғриланади.

«УНИВЕРСАЛ» ўйин автомати Сизга манзур бўладиган чекланмаган миқдордаги қизиқарли ўйинлардан иборат.

Харид қилиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳрида қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 8—3712—68-72-10, 67-49-92.

Тошкилотимиз эскирган ва илгари ишлатилган I ВМ РС XT/AT туридаги компьютерларни агентлик мукофот тўлови билан бозор нархида нақд пулсиз ХАРИД ҚИЛАДИ

Мулоқот телефонлари: (3712) 45-09-48, (3712) 78-59-60.

КОРХОНАЛАР ҲАМДА ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон «ГАЗ» автомаркази ГАЗ—52, ГАЗ—53, ГАЗ—66 автомобилларини эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш мақсадида сизлардан ўз автомашиналарингизни 1992 йилнинг 1 апрелигача ҳисобга қўйишларингизни сўрайди.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси Ҳасанбой қишлоғи (айланма йўлнинг 22-километрида).

ТЕЛЕФОНЛАР; 24-92-32, 24-91-79.

«МАЛИКА» ШИРКАТИ

ўз фаолиятини тугатиши муносабати билан шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2/2 уй.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 42.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.